

ТОШКЕНТ НАҚИҚАТИ

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Кун тартиби

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев Ўрта Чирчиқ туманидаги бир нечта ишлаб чиқариш объектлари фаолияти билан танишиб, қурилаётган биноларни кўздан кечирди.

ҚИШЛОҚДА САНОАТ ИСТИҚБОЛЛАРИ



Дастлаб, "Туркистон" маҳалласида жойлашган "Қорасув мебель савдо" оилавий корхонасида мебелчилик йўналиши бўйича микромарказ ҳамда амалий мономарказ фаолиятини ташкил этишга оид чора-тадбирлар режаси муҳокама қилинди. Корхона тўлиқ қувват билан ишга тушган, 500 дан ортик иш ўрни яратилиши кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Зойир Мирзаев "Халқобод" маҳалласидаги пайпоқ ишлаб чиқариш корхонасида бўлди.

Маълумот ўрнида, вилоятимизда текстиль саноати жадал ривожланган соҳа ҳисобланади. Жорий йил бошидан буён ҳудудда 10 дан ортик янги қувватлар ишга туширилди, уларнинг экспорт салоҳияти кундан кунга ортки бормоқда.

ЎЙЛАРНИ СОТИШДА ШАФФОФЛИК ЗАРУР

Нурафшон шаҳрида вилоят ҳокими Зойир Мирзаев раислигида кун тартибидagi муҳим масалалар ижросига қаратилган видеоселло шаклидаги йиғилиш ўтказилди.

Унда вилоят сектор раҳбарлари, бошқарма, корхона-ташкilotлар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, фаоллар иштирок этиди. Вилоят ҳокимлигининг ижро маҳкамаси бошлиғи Шухрат Ҳошимов юқори туровчи идоралардан келган топшириқларнинг бажарилиш ҳолати бўйича ахборот берди.

Хусусан, вилоят ҳокимлигининг Капитал қурилиш ва коммуникациялар бўйича котибиятида 149 топшириқ ижроси таъминлангани, махсус электрон тизимга топшириқлар ижросининг ҳолати бўйича ахборот киритилмай келинаётгани кескин танқид қилинди. Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлариға кўмир маҳсулотларини етказиб бериш ҳолати кўриб чиқилди. Вилоят ҳокими бу масаланинг ташкилий, молиявий жиҳатларига тўхталди. Жумладан, махсулотни мактаб ва тиббиёт

муассасалари омборларига келтириш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш муҳим масала экани қайд этилди. Бу борада сусткашликка йўл кўяётган раҳбарлар огоҳлантирилди.

Йиғилишда Зойир Мирзаев вилоятда "Янги Ўзбекистон" тураржой массивларининг қурилиш жараёнига ҳам тўхталди. Чирчиқ, Олмалик шаҳарларида қурилаётган мазкур массивларда ишлар режадан ортки қолаётгани, нафақат қурилиш, қолаверса, уйлари сотиш жараёни ҳам шаффоф эмаслиги айтилди. Ўз навбатида, одамларда уйни воситачисиз, тўғридан-тўғри сотиб олишга ишонч йўқолаётгани, бундай ишларға қарши ҳуқуқ-тартибот идоралари назоратни кучайтириши зарурлигиға эътибор қаратилди.

Абдулазиз МУСАЕВ

ШИОРИМИЗ:

СИФАТ
ВА ЯНА
СИФАТ

Сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда сифатсиз дорилар инсонларнинг умриға зомин бўлаётгани ҳақидаги хабарларға дуч келяпмиз. Айниқса, улар орасида ёш болаларнинг борлиги ачинарли. Бундай нохуш ҳолатларға йўл қўймаслик учун юртимиз фармацевтика саноатида қандай ишлар амалға оширилмоқда?

2



Ҳамкорлик

Фойдали таклифлар кўриб чиқилди

Пискент тумани ҳокими Нодирбек Якубов хитойлик инвесторларни қабул қилди.

Мулоқот давомида тумanning серунум тупроқ ва иқлим шароитидан келиб чиқиб, аграр соҳаға инновацияларни татбиқ қилиш, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологияларини жорий этиш сингари қатор

масалалар мутахассислар иштирокида муҳокама этилди.

Туман раҳбари ва инвесторлар икки томон учун ҳам фойдали таклифларни кўриб чиқилди.



Имконият

БИР ОИЛАНИНГ ИККИ ТАДБИРКОРИ

Бир йил аввал Шариф ака "Хуршид-Дилшод" оилавий корхонасиға асос солди. 35 млн. сўмға Хитой давлатидан 3 та замонавий қолипли нон тайёрлаш ускунасини олиб келиб ўрнатди.

– Бобом ва отам новвой бўлишган, – дейди Шариф ака. – Ўзим ҳам 35 йилдан бери новвойчилик билан шуғулланман. Очиғи, ишимни яхши кўраман. Нон ёпишнинг ҳам ўзига яраша қийинчиликлари бор: ёзда иссиқ, хамир айниб қолиши мумкин. Шунга қарамай, кунига минтағача қолипли нон тайёрлашға эришяпмиз.

2

Сухробжон САДИРОВ олан суратлар



Шариф Валиевни нурафшонликлар яхши танишади. У ҳар кун шаҳар аҳолиси уй-ғонгунча нон ёпиб, дўкону бозор расталарига тарқатади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Кун тасвири



ТОШКЕНТ

Вилоятилик 1 минг 56 нафар зиёратчилар Ҳаж ибодатларини бекаму кўст бажариб, юртимизға эсон-омон қайтишди.



Бўстонлиқ тумани маҳаллалари инфратузилмасини яхшилаш учун 31 млрд. сўмдан ортик маблағ ажратилди.



Мактабға ва мактаб таълими вазири ўринбосарлари Ўрта Чирчиқ тумани ёшлари билан учрашиди. Унда ёшларға танлаган йўналишиға кўра мусиқа асбоблари, тури ускуна ва маиший буюмлар тақдим этилди.



ТОШКЕНТ тумани ФВБ ходимлари томондан аҳоли хонадонлари, маҳаллалар, тадбиркорлик субъектлари ва қурилиш объектларида таъминлаш бўйича "Долзарб 30 кун" ойлиги доирасида профилактик тушунтириш-тарғибот тадбирлари ўтказилди.



"Бахт ифори" ёки "сиёҳранг олтин"

Юқори Чирчиқда етиштирилмоқда

"Сиёҳранг олтин" дея ном олган ўсимлик ҳақида эшитганмисиз? Францияда лавандани шундай аташади. Сўнги йилларда дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу хушбўй ўсимликни тижорат мақсадида етиштириш тобора оммалашмоқда. Сабаби фармацевтика, озиқ-овқат, косметология соҳаларида кенг қўлланиладиган мазкур ўсимликка талаб доим юқори, уни етиштириш бизнеси эса ҳамisha фойдали бўлган.

Вилоятимизнинг Юқори Чирчиқ тумани, Красногорск шаҳарчасиға туташ тоғ ёнбағирларида ҳам лаванда етиштириш йўлга қўйилган. "Lavanda rose" МЧЖ тасарруфидаги 35 гектар майдонда парваришланаётган лавандадан махсус техникалар ёрдамида эфир мойи ажратиб олинмоқда.



2

ШИОРИМИЗ: СИФАТ ВА ЯНА СИФАТ

Шу мақсадда Юқори Чирчиқ туманида жойлашган "UZGERMED PHARM" МЧЖ фаолияти билан яқиндан танишдик. 2011 йилдан бери фаолият юритиб келаётган корхона Германиянинг "АХХО GmbH" заводи билан ҳамкорликда очилган бўлиб, ҳозирда Ўзбекистонда дори воситалари ишлаб чиқарилган энг йирик объектлардан бирига айланган. Фаолиятини 2 турдаги инъекция эритмалари ишлаб чиқаришдан бошлаган корхонада бугунга келиб 70 дан зиёд дори воситалари тайёрланмоқда.

— Дориларни тайёрлашда ишлатиладиган моддалар, асосан, Хитой ва Ҳиндистондан келтирилади, — дейди корхона раҳбари Абдурахмон Назаров. — Корхонамиз соатига 20 мингга ампула ишлаб чиқариш қув-
(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

ватига эга. Ходимлар ҳар йили хориж мамлакатларида малака ошириб келишади. Махсулотларимиз сифатини доимий назорат қилиш учун кимёвий микроэлементларни бир нечта босқичда аниқловчи лаборатория фаолияти йўлга қўйилган. Сифатсиз деб топилган дорилар тегишли тартибда утилизация қилинади. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган махсулотнинг 30 фоизи Россия, Молдова, Қозоғистон, Яман, Жанубий Корея каби дунёнинг 12 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Қолгани эса Ўзбекистон бўйлаб етказиб берилди.

МЧЖ иккита цех ҳамда махсус омбордан иборат бўлиб, бу ерда 300 дан ортиқ ходим меҳнат қилади. Айти пайтда эса битта цех қайта реконструкция қилинаётгани сабабли ишчилар ўрни вақтинча



150 тага қисқарган. Ишсиз қолганлар маълум муддатга Бўстонлиқ туманидаги "Бўстонлиқ-фарм" эркин иқтисодиёт зонасига ишга жойлаштирилди.

Бизга берилган маълумотларга кўра, таъмирлаш ишлари олиб борилаётган цехда дориларни стерилизация қилиш учун янги ускуналар ўрнатилмоқда. Бу техникалар Чехия давлатидан келтирилиб, ҳозирда Ҳиндистонлик мутахассислар томонидан ўрнатилиб берилмоқда. Таъмирлаш ишларини жорий йилнинг охирига қадар якунлаш режалаштирилган.

Маълумки, ҳозир кўп мамла-

катларда инъекция эритмаларини елим идишларда қадоқлашга ўтилмоқда. Лекин мазкур корхонада аёна бузилмаган, эритмалар шиша идишларга қадоқланмоқда. Шиша идишлар эса махсус бюртма асосида олиб келинади.

Дарвоқе, корхонада фаолият юритаётган ходимларнинг аксарияти тиббиёт соҳасида академик унвонига эга. Бу эса иш унвондорлиги ва сифат кўрсаткичининг юқори бўлишини таъминламоқда.

Сухробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган суратлар

Абитуриент – 2023

Ҳадемай олий таълимга қабул жараёнлари ҳам якунланиб, абитуриентлар учун имтиҳонлар бошланади. Ҳўш, бу йил талаба бўлиш истагидаги ёшлар учун қандай янгиликлар бор?

АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Билим ва малакаларни баҳолаш агентлиги берган маълумотларга кўра, жорий йилги қабул жараёнларида ўтган йилгига нисбатан қабул квоталари сони грант учун 10 фоизга, тўлов-контракт учун эса 1



фоизга оширилган. Бу эса, рақамларда бакалаврият учун кундузги таълим тўлов-контракт қабул квоталари 92 минг 254 тага, бакалаврият ва 23 та магистратура мутахассислигига янгидан қабул ташкил этилмоқда.

Шунингдек, бу йилдан абитуриентларни рўйхатга олишда мактаб баҳоларининг инобатга олиниши ҳақида айтилган эди. Президентнинг тегишли фармонида асосан, мажбурий 11 йиллик таълимнинг сўнгги 6 йиллик баҳолари ўртача кўрсаткичини олий таълим ташкилотига кириш имтиҳонларида инобатга олиш 2 йилга кечиктирилмаган бўлди. Жорий йилги қабулда мактаб битирувчиларига ўртача баҳоси қўшимча балл сифатида қўшилмайди. Негаки аввалги йилларда мактаб ва ўрта махсус таълим муассасаларини битирган ёшларнинг баҳоларини тегишли платформаларга киритиш учун бироз мураккаб керак.

Дарвоқе, абитуриентлар учун

тест синов мезонлари ўтган йилгидек қолдирилди — 3 та мажбурий фан ва бакалаврият таълим йўналишига мос бўлган 2 та фан. 2023/2024 ўқув йили қабулида абитуриентларга 5 та фан бўйича жами 90 та тест саволи берилди. Бунда тўплаш мумкин бўлган максимал балл

— 189. 2023-2024 ўқув йили учун олий таълим муассасаларининг бакалавриятига қабул қилиш бўйича тест синовлари катта сифимли биноларда ўтказилиши режалаштирилган. Бунинг унинг 92 та бино танлаб олинган бўлиб, бир сменада 44 минг нафар абитуриент тест синовида иштирок этиши мумкин бўлади.

Маълумот ўрнида, бу йил мактабларни 390 мингдан ортиқ ёшлар битириши.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилдан магистратура йўналишларига топширувчи талабалар учун қабул фақат 1 марта бўлиши айтилди. Карантин давридан буён магистратура кириш имтиҳонларида қабул йилда 2 мартаба бўлаётганди. Бу йилдан ҳаммаси яна ўз ўрнига қайтади. Магистратура мутахассисликларига кириш учун ҳужжат топшириш жараёни 30 июлга қадар (шу куни ҳам) давом этади. Бакалавр йўналишига топширувчи абитуриентлар учун эса қабулнинг сўнгги куни 20 июль эди белгиланган.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Йўқлов

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Раҳматилла Шералиев бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар фахрий журналист Орзикул Мамировни 70 ёшга тўлганлиги муносабати билан табриклаш мақсадида йўқлашди. Самимий суҳбат давомида ижодкорнинг кўп йиллик фаолиятига назар ташланди.

ФАХРИЙ ЖУРНАЛИСТГА ЭҲТИРОМ

О.Мамиров журналистика соҳасидаги 41 йиллик фаолиятининг 20 йили давомида "Чиноз ҳаёти" газетасига бош муҳаррирлик қилди. Шу йиллар мобайнида бош муҳаррир зиммасидаги барча масъулиятли вазифаларни бекум қўст бажарди. Энг муҳими унинг саъй-ҳаракатлари билан 40 йил давомида турли биноларда ижарада фаолият юритган газета таҳририяти ўз биносига эга бўлди.



Дилдан суҳбат асосида Орзикул Мамировнинг мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, юртимиздаги яратувчанлик ва янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишда муносиб хизматлари борлиги алоҳида таъкидланди.

Орзикул Мамировга уюшманинг фахрий ёрлиги ва эсдалик совғаси топширилди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими

БИР ОИЛАНING ИККИ ТАДБИРКОРИ

Шариф ака келгусида кичик цех очиб қандолат махсулотлари тайёрлашни ҳам йўлга қўйиш ниятида.

Суриштирсак, бу оилада ҳамма тадбиркор экан. Шариф аканинг аёли Хурбуви опа

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

нафақада бекор ўтирмасдан келинлари билан тикув цехи очилган.

— Авваллари фақат оила аъзоларим учун тикардим, — дейди Хурбуви опа. — Ҳозир эса келинларим билан аёллар ва болалар кийимларини тикяпмиз. Тайёр

махсулотни бозорга жўнатамиз. Эндиликда Хурбуви опа яна 10 та тикув машинаси олиб, маҳалласидаги хотин-қизларни иш билан таъминламоқчи.

Ўткир ҲОШИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

— Лавандани "бахт ифори" деб ҳам таърифлашди, — дейди МЧЖ раҳбари Фаррух Ҳожимуродов. — Сабаби ўсимлик таркибиде парфюмерия, косметология ва фармацевтика саноати махсулотлари учун зарур бўлган эфир мойи мавжуд. Лаванда кўчатини 2020 йилда Туркия давлатидан олиб келганмиз. 2-3 йил иқлимимизга мослаштири-

150 литр эфир мойи олинади. 2022 йилда 100 литр эфир мойи олишга эришилди. Жорий йилда эса бу рақамни 260 литрга етказишмоқчи. Махсулотни Германияга юбориш бўйича шартномалар имзоланган.

Лаванда етиштириш ва уни қайта ишлашда ўсимликнинг ҳеч бир қисми чиқитга чиқмайди. Ҳатто, мойи сиқиб олинган бандидан эстиқ

Тиббиётда лаванда уйқу бузилиши, стресслар ва тартибсиз овқатланиш натижасидаги касалликлар, ошқозон кўзгагили синдромида тавсия этилади. Шунингдек, қон айланишининг бузилиши ва ревматизм касалликларида қўлланилади.

Дарвоқе, сўнгги йилларда лаванда етиштирувчи мамлакатларда сайёҳлик янада ривожланмоқда. Хусусан, Франциянинг Прованс провинциясида улкан лаванда майдонлари мавжуд бўлиб, ҳар йили бу ажойиб ўсимликка бағишланган фестиваллар ўтказилади. Ушбу тадбирларнинг санаси лаванда ҳосилини йиғиб олиш жойи ва даврига боғлиқ бўлади. Шу каби сайёҳлик дастур-

"Бахт ифори" ёки "сиёҳранг олтин" Юқори Чирчиқда етиштирилмоқда


дик. Айти пайтда 8 гектар майдонга лаванданинг маҳаллийлаштирилган нави экилган. Ерга ишлов бериш, экиш схемаси ва кўчатни тўғри танлаш — яхши натижага эришишнинг асосий ўч омилдир. Ўсимлик юқорига қараб ўсиб кетмаслиги учун тез-тез яганаб турилади. Шу сабабли шар шаклида ўсиб ривожланади, шохларидан янги новдалар ҳосил бўлади. Яъни, кўчатлар туپнинг қай даражада шохланганига қараб гуллади. Қурғоқчилик ва совуқча чидамли.

Фаррух аканинг айтишича, лаванда узиб олинган, 24 соат ичида қайта ишланиши талаб этилади. Яъни, ўриб олинган гул бир кун куритилган, махсус қозонга солиниб, 2 атмосфера босим буг берилди. Шундан сўнг 150 градус ҳароратдаги сув юборилади. Шунда сув ёғ билан реакцияга киришиб, эфир мойи ажралиб чиқади. Ҳисоб-китобларга кўра, 500 килограмм лавандадан

тайёрлашда хом ашё сифатида фойдаланса бўларкан. Хужалик бу бўйича ҳам Туркия билан келишувга эришган: яъни қуриган шохлар улarga сотилади. Шунга эътиборга олиш кераки, лаванда экилган 2-3 йилдан сўнг қайта ишланганда мой бера бошлайди. Кейин эса 10-15 йил мобайнида мой олиш мумкин.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, эфир мойи таркибиде дубиль моддалар (танинлар), фенилкарбон кислоталар, гидроксимаринлар, фитостероллар, кумаринлар ва флавоноидлар аниқланган.

Лаванда гулларидан тайёрланган дори воситалари енгил, бўшаштирувчи ва тинчлантирувчи таъсирга эга. Мазкур моддаларнинг микробга, шамоллашга қарши таъсир кучи тадқиқотларда исботланган.



лари лаванда далалари билан машҳур бўлган Венгрия ва Болгарияда ҳам ўтказилади ва минглаб туристлар оқимини жалб қилади.

Марказий Осиёдаги илк лаванда фестивали 2021 йилнинг июнь ойида Фарғона вилоятида ташкил қилинган эди.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сурат

Ислоҳот

ЎЗГАРИШЛАР БЎЙ КЎРСАТАЁТГАН "ЁНАРИҚ"

Оҳангарон туманининг "Ёнариқ" маҳалласида 5 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Сўнгги йилларда ҳудуддаги муаммоларнинг имкон қадар ҳал қилинаётгани, айтилса, аҳолининг бандлиги таъминланаётгани яққол сезилмоқда.

— Дарҳақиқат, охириги икки йилда катта ўзгаришлар бўлди, — дейди маҳалла ҳоким ёрдамчиси Сардор Каримов. — Асосий мақсадимиз — тадбиркорлик объектларини кўпайтириш ҳамда аҳолига қўлайлик яратиш. Биргина жорий йилнинг ўзиде 4 нафар фуқарога имтиёзли кредитлар ажратдик. Бугунги кунда улар ўз фаолиятини бошлаган.

Жумладан, Фаррух Йўлдошев акаси Алишер Давлатов билан ҳам-

корликда 2022 йилнинг июль ойида банкдан 150 миллион сўм кредит олиб, чойхона, озиқ-овқат дўкони ҳамда компьютер ўйинлари маркази очилди. Ҳозирда бу ерда уларнинг оила аъзолари фаолият юритишмоқда.

— Илгари маҳаллада биттагина чойхона ва озиқ-овқат дўкони бор эди, — дейди Алишер Давлатов. — Албатта, бу шунча аҳолига камлик қиларди. Шунда укам би-

лан маслаҳатлашиб, чойхона, ёнига озиқ-овқат дўкони ҳамда ёшлар учун компьютер маркази фаолиятини йўлга қўйдик. Бундан аҳоли жуда мамнун. Чойхонада 50-60 кишига мўлжалланган турли тадбирларни ўтказиш мумкин. Яқин кунларда янги новвойхона, шунингдек, буханка нон ва турли ширинликлар тайёрловчи цех қурмоқчимиз. Ўз-ўзидан аҳоли учун янги иш ўринлари яратилади.

Маҳаллага автомобиль ювиш шохобчаси ҳам керак эди. Аслида, ҳудудда бунгача иккита ана шундай "автомойка"лар фаолият кўрсатаётган эди. Бироқ, талаб юқорилиги учун навбат кўп бўларди. Боз устига, маҳалла водийга чиқиб кетиладиган

катта йўл ёқасида жойлашганлиги сабабли ўтган-кетган автомобилларга ҳам хизмат кўрсатилади.

Икки ой бурун шу маҳаллалик Жаҳонгир Парпиев банкдан 28 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, автомобиль ювиш шохобчаси очди.

— Бу ерда кунига ўртача 15 тадан зиёд машина ювилади, — дейди Ж. Парпиев. — Шунингдек, гилам ювиш хизматини ҳам йўлга қўйганмиз. Бундан ташқари, салқин ичимликлар дўконини ишга туширдик. Ҳозирда яна 3 кишининг бандлиги таъминланди.

Сухробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири
Жалолiddин ЭСОНОВ
олган сурат



“Кумариқ”лик Томорқачилик ОМИЛКОРЛАР

Нурафшон шаҳрининг “Кумариқ” маҳалласидаги томорқачиларнинг омилкорлигига кўпчилик тан беради. Маҳалладаги 524 та хонадонда ҳар қарич ердан унумли фойдаланилмоқда.



Дилшод Собиров 5 йилдан буён одамларнинг ер майдонларини мотокультиваторида ҳайдаб беради, экин ва дарахтларга дори сепеди. Бўш вақтини эса ўз томорқасида ўтказди. Маҳалладаги куриллар сабаб ариқ йўли тўсилиб, уйига сув кирмай қолгандан кейин ҳосил етиштириш қийинлашди. Негаки, қудук суви ёрдамида сугорилаётган ерлар шўрланишни бошлади, экинлар яхши ҳосил бермай қўйди. Утган йилнинг апрель

ойида ҳоким ёрдамчиси уларга субсидия олишда кўмаклашиб, 1 сотих ерга иссиқхона куриб берди. Иссиқхонадаги экинларга Дилшоднинг аёли Гулноза қарайди.

— Шукр, меҳнатимизга яраша ҳосил яхши бўлди, рўзгоримизга ҳам барака кирди, — дейди Гулноза Собирова. — Эртадан кечгача иссиқхонада бандимиз. Билмаганларимизни сўраб, ўрганишимиз. Бу йил қулпуннай экиб кўрмоқчимиз. Ҳо-

зир шунга тайёргарлик кўряпмиз.

Жаҳонгир Маражабовлар оиласи ҳам 6 сотихли иссиқхонада меҳнат қилади. Икки йил олдин кредит ҳисобига қурилган иссиқхонадан йилига 3 марта ҳосил олишмоқда. Даромад ҳам шунга яраша.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалопиддин ЭСОНОВ олган сурат

“ТЕЗ ЁРДАМ”: СОНИАЛАР ОРТИДАГИ САЛОМАТЛИК

Бугун тиббиёт соҳасини рақамли технологияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айниқса, ҳар бир сония қадри олтинга тенг бўлган тез тиббий ёрдам хизматида бунинг аҳамиятини ортиқча таърифлашга ҳо-жат йўқ.

Қулайлик

Шу боисдан айна пайтда соҳа амалиётига замонавий ахборот-коммуникация воситаларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида Республика тез тиббий ёрдам маркази ҳудудий филиаллари

энг сўнгги русумдаги моноблок, монитор, IP телефон, коммутатор ва сервер шкаф каби замонавий ахборот-коммуникация воситалари билан таъминланди.

— Қолаверса, бу йил Тошкент шаҳри тажрибасига асосан Андижон, Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё ҳудудий филиалларида тез тиббий ёрдам хизматининг “103 Med-data” автоматлаштирилган бошқарув тизими жорий этилди, — дейди Республика тез тиббий ёрдам маркази директори Абдувоитжон Ғафуров. — Фарғона, Бухоро ва Тошкент вилояти филиалларида эса ушбу амалиёт тест-синов режимида фаолият юритилди.

Маъмур тизимнинг афзаллиги шундаки, у орқали кўнгирокларни қабул қилиш, хизмат кўрсатиш ва рўйхатдан ўтказишни самарали бошқариш мумкин.

ЎЗА



Эълонлар Ахмедов Зиявитдин Нуриддинович номига 1992 йил 20 ноябрда берилган №08-02/452 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Махмудова Хидоят Ходжиевна номига 1993 йил 20 февралда берилган №04-02/13526 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Мухитдинова Дильфуза Шакировна номига 1993 йил 8 февралда берилган №05-02/4629 рақамли давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти ҳудудидаги шаҳар, шаҳар атрофи ва вилоятлар ичидаги шаҳарлараро йўналишларни бириктириш бўйича 2023 йил 21 август соат 14:00 да электрон тарзда

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЎТКАЗИЛАДИ

№	Йўналиш рақами	Йўналиш номи	Йўналиш тури
Шаҳар ичи йўналиши			
1	ШИ-1 й.т	“Ангрен АШБ-Боғисурх маҳалласи”	йўналишли такси
2	ШИ-5 й.т	“Янги авлод маҳалласи-Темирйўл станцияси”	йўналишли такси
Шаҳар атрофи йўналишлари			
3	ВХ-257 й.т	“Янгийўл темир йўл вокзали - Олмасор кўрғони”	йўналишли такси
4	ВХ-276 й.т	“Чирчиқ АШБ - Чирчиқ давлат педагогика институти - Қўйлик кийим бозори”	йўналишли такси
5	ВХ-277 й.т	“Янгийўл деҳқон бозори - Ўзбекистон тўйхонаси бекати (Деҳқонбод МФЙ орқали)”	йўналишли такси
6	ВХ-285 й.т	“Ғишткўприк АШБ – Тошкент тумани туғуруқ комплекси”	йўналишли такси
7	ВХ-287 й.т	“Бўка АШБ – Қизил Юлдуз МФЙ-Катта Ровот МФЙ”	йўналишли такси
8	ВХ-290 й.т	“Пискент АШБ – Истиклол МФЙ (Оқтепа орқали)”	йўналишли такси
9	ВХ-291 й.т	“Бўка АШБ – Бахмал МФЙ (Мевазор орқали)”	йўналишли такси
10	ВХ-296 й.т	“Гулбоғ МФЙ - Ангрен деҳқон бозори”	йўналишли такси
11	ВХ-298 й.т	“Халқобод кўрғони-Ниёзбош қишлоғи”	йўналишли такси
12	ВХ-306 й.т	“Гулбахор кўрғони-Халқобод кўрғони”	йўналишли такси
13	ВХ-311 й.т	“Оқкўрғон деҳқон бозори-Дўстобод деҳқон бозори”	йўналишли такси
14	ВХ-312 й.т	“Оқкўрғон деҳқон бозори - Хўжақўрғон МФЙ (27-мактаб)”	йўналишли такси
15	ВХ-320 й.т	“Олмалик АШБ - Эйвалек кўрғони”	йўналишли такси

16	ВХ-332 й.т	“Олмалик АШБ-С.Раҳимов ф/у”	йўналишли такси
17	ВХ-341 й.т	«Хўжа қишлоғи - Оҳангарон деҳқон бозори»	йўналишли такси
18	ВХ-344	«Оқкўрғон АШБ – Қўйлик деҳқон бозори (Олимпкент орқали)»	автобус
19	ВХ-348 й.т	“Қўйлик деҳқон бозори-Бардонқўл маҳалласи”	йўналишли такси
20	ВХ-391 й.т	«Бўка деҳқон бозори - Қўйлик деҳқон бозори»	йўналишли такси
21	ВХ-399 й.т	“Дўстлик ф/у-Бойкент маҳалласи”	йўналишли такси
22	ВХ-400 й.т	“Дўстобод АШБ-Чиноз деҳқон бозори”	йўналишли такси
23	ВХ-401 й.т	“Дўстобод АШБ-Чиноз деҳқон бозори”	йўналишли такси
24	ВХ-422 й.т	“Янги ҳаёт кўрғони-Қўйлик деҳқон бозори”	йўналишли такси
25	ВХ-434 й.т	«А.Икромов ф/у - Нурафшон АШБ»	йўналишли такси
26	ВХ-439 й.т	“Нурафшон АШБ-Қўйлик деҳқон бозори”	йўналишли такси
27	ВХ-453 й.т	«Иттифоқ қ.ф.й. - Чорсу метро АШБ»	йўналишли такси
28	ВХ-463 й.т	“Зангиота мақбараси - Жанубий вокзал АШБ”	йўналишли такси
29	ВХ-464 й.т	“Боғзор кўрғони - Ширин АШБ»	йўналишли такси
30	ВХ-493 й.т	“Гулистон маҳалласи - Қибрай АШБ”	йўналишли такси
31	ВХ-501	“Мой қишлоғи - ТТЗ АШБ (Наврўз бозори орқали)”	автобус
32	ВХ-546	«Янги Чорбоғ маҳалласи – Академик лицей»	автобус
33	ВХ-547	“Марказий шифохона – Дахана маҳалласи”	автобус
34	ВХ-575 й.т	“Чиноз деҳқон бозори-Жанубий вокзал АШБ”	йўналишли такси



35	ВХ-589 й.т	“Нодиробод маҳалласи-Юнусобод мавзеси 9-даҳа”	йўналишли такси
36	ВХ-612 й.т	“ТошДАУ - ТТЗ АШБ - Ёзувчилар уюшмаси санаторийси”	йўналишли такси
37	ВХ-620 й.т	“Дўстобод АШБ-Чиноз деҳқон бозори (Кўрғонча орқали)”	йўналишли такси
38	ВХ-625	“Тошкент (Машинасозлар метро бекати)-Бўстонлик (Хумсон кўрғони)”	автобус
39	ВХ-635 й.т	“Янгийўл АШБ-У.Юсупов бўлими”	йўналишли такси
40	ВХ-647 й.т	“Қизилбирлик қишлоғи-Олмалик АШБ”	йўналишли такси
41	ВХ-671 й.т	“Янгибозор АШБ-Чилонзор буюм бозори”	йўналишли такси
42	ВХ-694 й.т	“Ғишткўприк маҳалласи-ТТЗ АШБ”	йўналишли такси
43	ВХ-702 й.т	“Илғор МФЙ-Эшонгузар бозори”	йўналишли такси
44	ВХ-703 й.т	“Бўка деҳқон бозори-Лолаарик МФЙ”	йўналишли такси
45	ВХ-704 й.т	“Култена МФЙ - Пискент АШБ”	йўналишли такси

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги “Автомобиль транспортда йўловчи ташиш йўналишлари бўйича очик тендерларни электрон тарзда ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 738-сонли қарори талабларига мувофиқ шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташиш йўналишларини бириктириш юзасидан очик тендерлар фақат электрон ахборот тизими орқали ўтказилади. Тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, тегишли равишда автомобиль транспортда шаҳар, шаҳар

атрофи, шаҳарлараро ва халқаро йўловчилар ташувларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган ҳамда электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтган юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 декабрдаги 738-сонли қарори билан тасдиқланган “Шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро (Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар ичида ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлараро) ва халқаро йўналишларини бириктириш бўйича очик тендерларни

электрон тарзда ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ”га мувофиқ:

– Тендерда қатнашиш учун таклифлар талабгорлар томонидан ахборот тизими (e-tender.uztrans.uz) орқали тақдим этилади; – Айна битта автотранспорт воситаси бир вақтнинг ўзида бир нечта тугалланмаган лотларга ҳамда амалдаги шартномага мувофиқ йўналишга бириктирилган автотранспорт воситаларининг тендер таклифи сифатида ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилмайди (шартноманинг амал қилиш мuddати тугашига олтиш ва ундан кам кун қолганида маъмур шартномада кўрсатилган

автотранспортларнинг ахборот тизимига киритилишига йўл қўйилади).

Талабгор тендер таклифларини тақдим этиши учун тендерни ташкил этиш, шу жумладан, оммавий ахборот воситаларида эълон бериш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 фоизи миқдориди тўловни **Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳисоб рақамига (АТБ “Ипотека банк” Чилонзор бўлими, ҳ/р: 4014108604262773422967279, банк коди 00997, СТИР: 202811527) ўтказиб, 2023 йил 20 август соат 14:00 гача ўз тендер таклифларини ахборот тизими (e-tender.**

uztrans.uz) орқали тақдим этиши шарт.

Тендер таклифлари белгиланган муддат якунланганидан кейин қабул қилинмайди ҳамда тендер таклифлари тақдим этилганидан кейин қатнашчилар уларга тузатиш киритиш ҳуқуқига эга эмас.

Қатнашчилардан тендер бўйича келиб тушган таклифлар ахборот тизими орқали автоматик тарзда баҳоланади.

Тендерни ташкиллаштириш бўйича ваколатли орган: Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг Тошкент вилояти транспорт бошқармаси.

Маълумот учун телефон: (+99871) 202-05-00(213).

